



A GLANCE AT THE HISTORY OF THE DUTOR INSTRUMENT

Khaydaralieva Durdona Erkinovna

Senior lecturer of the "Performance in folk instruments" department

<https://doi.org/10.5281/zenodo.11546612>

ARTICLE INFO

Received: 05th June 2024

Accepted: 09th June 2024

Online: 10th June 2024

KEYWORDS

Maqam, instrumental melody, dutor, reverse beats, dutor performance, domestic voice, metrorhythmic methods, musician, classical melody.

ABSTRACT

This article discusses the dutor instrument, which is part of the musical heritage of our nation, the history of its performance methods, and the historical foundations of music performance.

ДУТОР ЧОЛҒУСИ ТАРИХИГА БИР НАЗАР

Дурдона Ҳайдаралиева

“Халқ чолғуларида ижрочилик” кафедраси

Катта ўқитувчиси

<https://doi.org/10.5281/zenodo.11546612>

ARTICLE INFO

Received: 04th June 2024

Accepted: 09th June 2024

Online: 10th June 2024

KEYWORDS

Мақом, чолғу куй, дутор, тескари зарблар, дутор ижрочилиги, хонаки овоз, метроритмик усуллар, созанда, мумтоз куй.

ABSTRACT

Мазкур мақолада халқимиз мусиқий меъросидан жой олган дутор чолғуси, унинг ижрочилик услублари тарихи, мусиқа ижрочилиги тарихий асослари ҳақида фикр-мулоҳазалар юритилади.

Кириш:

Ўзбек халқининг мусиқа чолғулари тарихи қадим-қадим даврларга бориб тақалади. 1933 йиллари Айритом шаҳри шахристони қазилмаларидан топилган археологик топилмалар (ёдгорликлар, материаллар), адабий манбаалар қадимда ҳам турли мусиқа чолғулари бўлганлигидан далолат беради. Ушбу адабий манбаалар, топилмалардан билишимиз мумкинки, турли халқ чолғуларидан саройларда, маданий байрамларда, сайлларда фойдаланилган. Маданият ёдгорликлари, девордаги расмлар, сопол хайкалчалар эрамизнинг VII асридаёқ мусиқа чолғулари бўлганлигидан дарак



беради. Ушбу манбааларга кўра, дастлаб урма чолғулар пайдо бўлган, чунки қадимги меҳнат қўшиқлари ишнинг ритмик тузилиши билан боғлиқ бўлган. Кейинроқ эса торли-мизробли ва торли-камонли мусиқа чолғулари пайдо бўлган. Бу чолғулардан саройларда бўладиган маросимларда, ҳарбий юришларда фойдаланилган. Ўзбек халқ чолғулари ҳам узоқ даврлар мобайнида шаклланиб, ўзига хос товуш хусусиятини сақлаб келди. Ўзбек халқининг най, сурнай, танбур, дутор, рубоб, ғижжак, қобуз каби миллий чолғуларининг анъанавий шакллари бизнинг давримизгача етиб келган.

Шарқ олимлари ҳам ўзларининг рисолаларида мусиқанинг жамиятда Ал-Фаробийнинг “Китоб ал-мусиқа ал кабир” (Катта мусиқа китоби), ал-Хоразмийнинг “Билимлар калити”, Жомийнинг “Мусиқа ҳақида рисола” китобларида мусиқа ижрочилиги ва халқ чолғулари ҳақида муҳим маълумотлар келтирилган. XVII асрда яшаган аллома Дарвеш Али Чангий ўзининг Бухорода яратилган мусиқага оид рисоласида анъанавий халқ чолғулари ҳақида, Ўрта Осиёнинг йирик шаҳарларида мавжуд бўлган чолғулар ва моҳир ижрочилар ҳақида қимматли маълумотлар берган. Ушбу рисола XVI-XVII асрлар Ўрта Осиё мусиқасини ўрганишдаги қимматбаҳо манбаа ҳисобланади.

XVI-XVII аср миниатюраларида чанг (арфа), доира, люня, борбат, уд, қонун, ғижжак, най, рубоб, танбур каби мусиқа чолғулари тасвирланган. Ушбу чолғулар билан бир қаторда дутор чолғуси ҳам асрлар давомида бизгача етиб келди. XV асрда яшаган олим ал-Хусайнийнинг мусиқий канонларида кўш торли чолғу - дутор чолғуси ҳақидаги илк маълумотлар келтирилган.

Шарқнинг мусиқий чолғу созлари - энг қадимий, ўзига хос ва жонли санъатдир. XX асрда Ўрта Осиёнинг маданиятини ўрганишга келган олимлар, тадқиқотчилар, ўлкашунос ва этнографлар деярли ҳар бир ўзбек хонадониди дутор созини кўриш мумкинлигини ва бу чолғу Ўрта Осиё халқларининг энг севимли сози эканлигини ўз кундаликлари ҳамда, илмий рисолаларида баён этганлар. Дутор сози йирик туркумий асарларини яратишга асос бўлганлигини айтиб ўтиш жоиздир. Бунга Хоразм дутор мақомларини мисол тариқасида келтириш мумкин. XX асрда оврўполик мусиқашунос, ҳарбий оркестр дирижёри ва скрипкачи Август Эйхгорн дуторда ижро этилган қўшиқ ва куйларни нотага олади.

Дутор чолғуси Ўрта Осиё халқлари орасида кенг тарқалган чолғу ҳисобланади. Хозирги вақтда ўзбек, тожик, туркман, қорақалпоқ ва уйғур халқларининг дуторлари мавжуд. Бу турли халқларнинг чолғулари бўлмиш дутор чолғуси бир-биридан кўриниши, ўлчами, турли безаклари билан фарқ қилади.

Дутор чолғуси ўзининг мунгли ва майин овози билан бу халқларнинг севимли сози бўлишига аллақачон улгурган. Миллий маданият ва қадриятларимиз нафақат урф-одатлар, миллий маросимлар балки, миллий созларимиз билан ҳам белгиланади. Танбур, уд, қонун, най каби созлар қаторида дутор сози ҳам алоҳида ўринга эга чолғу ҳисобланади.

Тарихий ёзма манбааларда баён этилишича дутор чолғуси дастлаб XV асрда илк бора тилга олинади. Ўз асрининг мусиқашунос алломаси Зайнулобиддин ал-Хусайнийнинг “Қонуни илми ва амали мусиқий” рисоласида дутор чолғуси ҳақида маълумотлар келтирилган. Маълумки, дутор сози қадимий мусиқа чолғуларидан бири



бўлиб форсчадан таржима қилинганда “ду”-икки, “тор”-эса чолғу дастаси бўйлаб тортилган бир жуфт ип торларини англатади. Бу дуторнинг қўшторли чолғу эканлигини билдиради. Дутор қадимда “ичкари” (хонаки) чолғу деб юритилиб, асосан аёллар чолғуси ҳисобланган. Қадимда чолғу усталари дуторни тут дарахтидан ясаганлар. Бу тўғрисида Дарвиш Али ўзининг “Рисолаи мусиқий” асарининг дуторга бағишланган қисмида қуйидагича ёзади. “Дуторнинг аксарияти тут ёғочидан ишланади, торлари эса ипакдан эшилади. Шунинг учун ҳам чолғунинг товуши ширадор ва майин, бу ҳол тут ва ипакнинг бир вужуд маҳсули эканлиги натижасидир”.

Дутор чолғуси ҳақида халқлар орасида турли ривоятлар мавжуд. Ривоятга кўра бир алломанинг тушига кирган мўйсафид дутор чолғусини айнан у яратиши кераклиги ҳақида маълумот беради. Аллома тушида кўрган суҳбат асосида от думининг қили ва бўш тошбақа косасидан фойдаланиб дуторга ўхшаш соз яратади ва бу чолғуни борбат деб атади. Кейинчалик бу соз такомиллашиб, унинг турли кўринишлари пайдо бўлади. Уд, дутор, танбур ва бошқа чолғулар ҳам шулар жумласидандир. Дутор созининг овози билан бетоблар тuzалганлиги, ғазабкор подшоҳлар жаҳлидан тушганлиги ҳақидаги кўплаб ҳикоятлар мавжуд. Манбааларда илк чолғунинг пайдо бўлиши ҳақида яна қуйидагича нақл қилинади.

Минқор деган бир улкан қуш осмонда олиб кетаётган узунлиги қулочдан узун ингичка ичак, унинг оғзидан тушиб, бир учи тут дарахтининг бир шохига, иккинчи шохига иккинчи томони маҳкам ўралиб қолади. Офтобнинг иссиқ ҳароратида у қуриydi ва шамол таъсирида тебраниб, ажиб бир мунгли товуш чиқаради. Бу товуш энг аввал сайроқи қушларни ўзига торта бошлайди. Уларнинг энг аввали Андалиб, яъни булбул, саъва, тўти, бедона ва бошқа қушлар бу мўъжизавий дарахт атрофида бир-бирларига гал бермай сайрай бошлайдилар. Одамлар овда тутиб олган арслон, шер, бўри, тулки ва бошқа ҳайвонлар ичагидан торлар ясаб, шу дарахт ёғочидан даста олиб тошбақа косасига ўрнатадилар ва созлаб чала бошлайдилар. Шу тариқа турли мусиқа чолғулари пайдо бўлади.

Машҳур хофиз, бастакор ва чангчи созанда Дарвиш Али бин Мирзо Али бин Хўжа Махмуд Марвариднинг “Рисолаи мусиқий” асарида дутор сози ва дутор чолғучилари ҳақида маълумотлар келтирилган. Ушбу асар 2 бўлимдан, яъни назарий ва тарихий қисмлардан иборат бўлиб, 1-қисмда асосан мусиқий оҳангларнинг яратилиши, товуш чиқаришда пардалар ва усулларнинг ўрни, мусиқий созларнинг турлари ҳақида, 2-қисмида эса XV-XVI асрлардаги машҳур созандалар ва бастакорлар ҳақида маълумотлар берилган. Дарвиш Али ўз рисоласида машҳур чолғучилар Юсуф Мавдудий ва Махмуд Шахобий (Шехоний)ларнинг дутор чалиш санъати, маҳорати сирларини атрофлича тавсифлаб берган. XX асрда ўзбек мусиқа санъатининг илмий-услубий ва миллий томонларини биринчилардан бўлиб ўрганиб чиққан олим Абдурауф Фитрат ўзининг “Ўзбек классик мусиқаси ва унинг тарихи” китобининг дутор созига бағишланган бўлагида, дуторнинг таркибий қисмлари, парда тизими ҳамда мусиқий амалиётдаги вазифаси ҳақида қизиқарли маълумотлар берган. Ушбу асарда ўзбек миллий мусиқасининг турли жанрлари, мусиқа чолғулари тарихи, ривожланиш босқичлари ва парда тизимлари ҳақида биринчилардан бўлиб, илмий асосланган маълумотлар келтирилган.



Дутор чолғуси ўзи яккахон тарзда, халқ ашулаларига жўр бўлган ҳолда ва фортепиано билан биргаликда ҳам ижро этилади. Дуторнинг ўзига хос майин, ширали овози билан ашулаларга жўр бўлишида кўнгилини тинчлантирадиган, кайфиятни кўтарувчи бир бутун асар яратилади. Дутор чолғусида турли характердаги халқ куйларини, бастакорлар ва чет эл композиторлари асарларини ижро этиш мумкин. Ўзбекистон бастакорлари ва композиторлари томонидан дутор учун махсус бир қатор асарлар яратилган ва яратилмоқда.

Масалан: композиторлар Фаттоҳ Назаровнинг “Дутор наволари”, Сайфи Жалилнинг “Концерт пьесаси”, Эргаш Шукуруллаевнинг “Дутор баёти”, Қаҳрамон Комиловнинг “Гулзорда” ва бошқа асарларни айтиб ўтишимиз мумкин. Композитор, профессор Хабибулла Рахимов қайта ишлаган “Термалар”, “Оқ қайин”, Мустафо Бафоевнинг “Ронда пиццикато”, “Дутор нақши”, “Жиллар”, Ойдин Абдуллаеванинг “Дутор ифори”, “Севинч” каби дутор чолғуси учун махсус ёзилган асарлари профессионал дутор ижрочилари томонидан севиб ижро этилмоқда ва бир неча йиллардан бери Республика кўрик-танловларида шартли асар сифатида ижро этиб келинмоқда. Бу асарларда ижрочи ўзининг ижрочилик ҳамда техник маҳоратларини кўрсатиш имкониятига эга. Ўзбек бастакорлари ижодига назар солсак, машҳур созанда ва бастакор Ориф Қосимовнинг “Дилноз”, “Табассум”, Ғулом Қўчқоровнинг “Севинч”, Мирсодиқ Эргашевнинг “Кўнгил гулдастаси”, “Чаққон ўйна”, Эргаш Шукуруллаевнинг “Дутор баёти” каби асарларини кўришимиз мумкин. Ушбу асарлар ҳам ижрочилар юрагидан жой олган ва хозиргача севиб ижро этилиб келинмоқда. Дутор ва фортепиано жўрлигида ижро этиш учун бир қанча асарлар яратилган ва мослаштирилган. Масалан: Феоктист Васильев қайта ишлаган, ўзбек халқ куйи “Ас бўламан”, Мардон Насимовнинг “Уфори санам”, “Янги тановар”, Борис Гиенко томонидан қайта ишлаган “Туркман эшвойи” каби асарлар шулар жумласидандир.

Ўзбек халқ куйлари ва ўзбек бастакорларининг нотага олинмаган асарлари дутор ижрочилари томонидан ноталаштирилиб, тўплам шаклида нашр этилган. Масалан: Ўзбекистон Давлат Консерваторияси доценти Боқижон Раҳимжонов машҳур ва моҳир созанда, бастакор Ориф Қосимов басталаган ва ижро этган асарларини нотага олиб “Дутор наволари” 1-2 китоб, “Дутор тароналари” 1-китоб тарзида нашр эттирганлар. “Дутор наволари”нинг 1-китобига Ориф Қосимов басталаган ва ижро этган 30 дан ортиқ асарларнинг ноталаштирилган вариантлари киритилган бўлиб, ушбу тўпламнинг 2-китобига эса созанда Ориф Қосимов ижросидан ёзиб олинган халқ куйлари киритилган. Тўпламнинг “Дутор тароналари” деб номланган 3-китобига 25 та халқ куйлари жамланган бўлиб, ушбу тўпламларга “Самойи дугоҳ”, “Жигарпора”, “Усмония”, “Муножат”, “Тановар 1-2”, “Мискин 1-2”, “Чертмак” каби машҳур асарлар киритилган.

Ўзбекистон Давлат Консерваторияси профессори Рўзиби Ходжаева бастакор Шермат Файзуллаевнинг “Табассум”, Ғулом Қўчқоровнинг “Ёр хумори”, Мирсодиқ Эргашевнинг “Чаққон ўйна”, Тўхтасин Жалиловнинг “Айвон” каби бир қатор асарларини ноталаштириб, дутор альт чолғусига мослаштирган бўлиб, бу асарлар Рўзиби Ходжаеванинг “Дуторим-созим маним” номли тўпламларида жамланган. Ушбу тўпламларга киритилган асарлар дутор ижрочиларининг ижро дастуридан жой олган.



Ўзбекистон Давлат Консерваторияси “Халқ чолғуларида ижрочилик” кафедраси талабалари дутор чолғусини ижро этишда янги услуб, усулларни бир-бирига моҳирона боғлаб ижро этишлари билан турли концертлар, фестивал ва тадбирларда ўз маҳоратларини кўрсатиб келмоқдалар. Ҳозирги вақтда Ўзбекистон Давлат Консерваторияси “Халқ чолғуларида ижрочилик” кафедрасининг дутор синфида профессор Рўзиби Ходжаева, доцент Улуғбек Юнусов, катта ўқитувчилар Дурдона Хайдаралиева, Малоҳат Набиева, Умида Ҳамидова ва Нигора Исаевалар ўз ижро маҳоратларини талабаларга ўргатиб келмоқдалар. Улар тарбиялаган ва тарбиялаётган талабалар турли танловлар, фестиваллар ва концертларда устозларидан ўрганган ижро дастурларини намоён этиб келмоқдалар.

References:

1. Ш.Б.Матякубов “Анъанавий ижрочилик тарихи” Т.: “Ўқитувчи”, 2015й.
2. О.Матёкубов “Мақомот” Т.: “Муסיқа”нашриёти, 2004й.
3. Ю.Ражабий, И.Акбаров “Ўзбек халқ муסיқаси тарихи” Т.: “Ўқитувчи”, 1981 й.